



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

2007 йил
9 май
ЧОРШАНБА
№ 38
(11.945)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

БУГУН – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан нафақат уруш қатнашчилари, балки кекса авлод вакиллари, халқ бахт-саодати йўлида курашган фидоиларга, меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, қадр ва эъзоз халқимизга руҳий қувват бахш этиб келмоқда.

Ўзбек халқининг уруш йилларида кўрсатган мислиёз жасорати, бағрикенглиги, у ота-оналик меҳрини бериб воёга етказган турли миллат болалари – уруш фарзандларининг ўзбек хонадонини ўз оиласи деб билиши ҳам уруш инсонийлик белгисидир.

Мени ўзбек халқи ҳаётига қайтарди, яшашни, одамларни севишни ўргатди, – дейди республика Солдат оналари кўмитаси раиси, янгийўллик Лилия Симонян.

Уруш даҳшатини биз кўрдик, фарзандларимиз, невараларимиз кўрмасин, – дейди Ангрен яқинидаги Нишбош қишлоғида яшовчи Абдуқадир.

хор Абдуллаев. – Жанг майдонидида ўлим билан олишайтганда энг аввало кўз олдинга она-Ватан, туғилиб ўсган юрт келар экан. Тенгандан виллаб ўқ ёмғири учиб турса, бугунгидек тинч-осуда ҳаётнинг бебаҳо қадрини янада чуқур ҳис этаркансан, киши. Яратганга шукр, шунча паст-баланд йилларни ортда қолдириб, мустақил юрт бағрида, озод-Ватан ҳимоясида яшаш насиб этди. Ҳозирги кунда бизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан кўнгилларимиз таскин топаётди.


(Давоми 2-бетда).

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Кеча пойтахтдаги «Мотамсаро она» ҳайкали майдонидида виллоятимиз ёшлари иштирокида икки авлод учрашуви ўтказилди. Тадбир «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши томонидан йигит-қизларимизни истиқлол ғоялари ва миллий аъёнларимизга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда уруш қурбонларини ёд этиш мақ-

садида ташкил этилди. Иштирокчилар «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди. Шу маросимда сўз олган нуронийлар кекса ва ёш авлод вакиллари яратилаётган шароитлар ҳусусида тўхталиб, тинчлик-осойишталикни қадрига этиб яшаш улғу неъмат эканлигини таъкидлашди. Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Саид ҲАСАНОВ.



Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланаётди. Саккиз йилдирки, Ўртбошимиз ташаббуси билан янгича мазмун ва моҳият касб этиб, халқимиз кўнглидан чуқур ўрин эгаллаган мазкур байрам миллионлаб юртдошларимизга хотира саодатини бахш этмоқда, инсонларни қадрлаш, айниқса, кўпни кўрган нуроний отахону онахонларга иззат-эҳтиром кўрсатишдек азалий аъёналаримиз янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР...

Виллоятимизда ушбу санага бағишланган тантанали маросим Бўстонлиқ туманидаги «Хонбалиқ» хўжалигининг дам олиш масканидида бўлиб ўтди. Туман ва шаҳарлардан ташриф буюрган 250 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари шу кунни янги бунёд этилган бу ҳушхаво ва сўлим гўшанинг энг биринчи, қадрли меҳмони бўлишди.

Фахрийларни виллоят ҳокими вазифини бажарувчи Зиёвуддин Ниезов байрам билан самимий кўлаб, энг эзгу тилакларини изҳор этди. Президентимизнинг махсус фармонида мувофиқ уруш қатнашчилари ва нотирионларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган

пул мукофоти ҳамда виллоят ҳокимияти томонидан ажратилган ёрдам пуллари тантанали суратда топширилди. Хонадонларимизнинг чинакам файзи бўлган нуронийлар дуога қўл очиб, тинч ва озод юртимиз ривожига бундан юксак парвозлар тиланишди.

Қадру қимматинг жойида бўлса, апрофингдатырдан ҳаминча иззат-эҳтиром кўриб турсанг, қаримлик бе-назир саодат эканлигини ҳис этаркансан, – дейди оққўрғонлик нуроний отахон Йўлдош Оққулов. – Шу

осуда, эъзозли кўнларга етказганига беадад шукр, деймиш. Бу тинч, тўқин-сонин ҳаётни қадрлашимиз, ёш авлодни Ватаннинг муносиб ҳимоячиси, меҳр-муҳаббатли фарзанди этиб тарбиялашимиз лозим.

Шу кунни йигилганлар гўзал табиат қўйнида мир-қиб ҳордиқ чиқаришди, дилдан гурунглашди. Утганларни ёдга олишди, ўтмишнинг ибратли хотираларидан сузлашди. Таниқли санъаткорлар, маҳоратли ошпазу па-зандадар улар хизматидида бўлишди.

СУРАТЛАРДА:

байрам тадбирларидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АХМАД олган суратлар.



лоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари сафда юриш, югуриш, ўқ отиш, турикда тортилиш, граната улоқтириш каби қатор шартлар бўйича ўз маҳоратини намоиш этди. Шунингдек, йигитларнинг назарий билимлари ҳам синовдан ўтказилди.

Беллашуви якунига кўра, Тошкент виллояти Оҳангарон шаҳри маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ахборот технологиялари касб-хўнар коллежи жамоасига насиб этди. Учинчи ўринга Жиззах шаҳри транспорт-алоқа касб-хўнар коллежи ҳамда Самарқанд шаҳри қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежи ёш спортчилари сазовор бўлди.

Ҳалилар ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

ғолиб жамоа вакиллари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Унинг очилишида олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ва бошқалар бағрикенглик, осойишталик, меҳр-мурувват ғояларини ўзида мужассам этган муқаддас ислом дини халқимизнинг ўзлигини англашида, кишиларни поклик ва эзгуликка қорлашда, умрбоқий қадрият ва аъёна-наларни асрашда бекиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда буюк алло-маларимизнинг пок номларини тиклаш, улар қолдирган бой маънавий меросни

асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, улғу мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қадамжоларни обод этиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айни пайтда юртимизда маънавий меросимизни замон талаблари асосида кенг ва апрофлича ўрганиш, тадқиқ қилиш, ундан халқимизни баҳраманд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар доимий эътиборда.

Бир неча бўлимдан иборат кўргазмада Миллий кутубхона фондида сақланаётган икки юздан ортик нодир босма ва кўлэзма асарлар, рисоалар билан танишиш мумкин.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

ТЎЙБОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Оҳангарон туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила-ларнинг ўн икки нафар фарзандлари учун хатна тўй-лари ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Ватан қадри, унга садоқат, ёш авлодни тарбиялашда ота-оналар

ҳамда кенг жамоатчиликнинг ўрни, қолаверса меҳрга ташна қалбларга қувонч улашиш қанчаллик савобли иш эканлиги ва бошқа бир қатор мавзулар-

да дил изҳорлари айтилди.

Болажонларга ҳомий-ларнинг эсдалик совғалари тортиқ этилди.

Тадбирда санъаткорлар ўзларининг қўй-қўшқлари билан иштирок этиб, да-врага яна файз бағишлади-лар.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Зангиота тумани-нинг Катортал қишло-ғидаги Токзор маҳал-ласида янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топши-рилди.

Тадбирда сўзга чиқ-қан маҳалла фаоллари юртимизда эл саломат-лигини сақлаш бораси-да кўрсатилаётган катта эътибор ҳақида гапи-риб, қишлоқларимиз обод масканларга айла-ниб бораётганлигини таъкидлашди.

Кундузги шифохона-си мавжуд бўлиб физи-отерапия муолажалари кўрсатиладиган ушбу масканда ўндан ортик шифокор ва ҳамшира хизматда бўлади.

Қишлоқ шифокорлик пунктнинг очилиш ма-росимида виллоят ҳоки-мининг ўринбосари На-римон Хайиткулов иш-тирок этди.

Абдусаттор ХАТАМОВ.

БЕЛБОҒЛИ ОЛИШУВ

Паркент туманидаги «Қўшчиноқ» қураш май-донидида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон би-ринчилиги ҳамда Хоти-ра турнири мусобака-лари ўтказилапти.

Гиламларда 1993 йил-да туғилган ўсмирлар ҳамда ўндан катта ёшдаги полвонлар бел олишмоқ-да.

Мусобақаларнинг мут-лақ ғолиблари бугун маъ-лум бўлади.

Равшан РУСТАМОВ.

ОРОМҒОҲ ҚАЙТА ТАЪМИРДА

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашма-сининг Бўстонлиқ ту-манидаги «Металлург» оромгоҳи ҳар мавсум 1000 дан зиёд бола-ларни ўз қучоғига олади.

Айни кунда дам олув-чиларга бир қатор қулайликлар яратиш мақ-садида бинолар, сув хав-залари таъмирланиб, за-монавий қўринишга кел-тирилмоқда. Бу ерда дам оладиган болалар ёзги таътилни мароқли ўтказадилар.

Мўмин ИБODOV.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Бўқа тумани мар-казий ўингоҳида мак-таб ўқувчилари ўрта-сида футбол турнири бўлиб ўтди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан уюш-тирилган мусобақаларда 54 та мактаб ҳамда 15-меҳрибонлик уйи тар-бияланувчилари ўз ма-ҳоратларини намоиш эт-ишди.

Барча рақибларини ортда қолдирган 1-мактаб жамоаси ғолиб чиқди.

Уларга ҳомийлар то-монидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Олим ЭЛЕРОВ.

Танлов ФЕРУЗА ЭШОНБоеВА Биринчи

Тошкент туманидаги 4-умумтаълим макта-биди «Йил тарбиячи-си» кўрик-танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда ҳудудий босқич-ларда ғолибликни кўлга киритган моҳир тарбиячи-лар 4 та шарт бўйича ўзаро баҳслашдилар. Бар-ча шартларни аъло дара-жада бажариб, ўз касби-ни ва иш йўналишини тўла очиб бера олган иш-тирокчилар муносиб баҳо-ланди. Унга кўра, 2 та учинчи ўринга қибрайлик Саида Азимова ва Тош-кент туманидан Васила Толипова, битта иккинчи ўринга чирчилик Нодира Мадрахимова лойиқ деб топилди. Биринчи ўринга ангреник Феруза Эшон-боева сазовор бўлиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Ҳалиларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Азиза ҚУРБОНОВА.

«Шунқорлар – 2007» ОҲАНГАРОН ЙИГИТЛАРИ ЭНГ ЭПЧИЛ ВА БИЛИМДОН

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юр-тида аъёнавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусоба-қаларининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлодни ҳар тараф-лама баркамол, Ватанга са-доқатли, буюк аждодларга муносиб ворислар этиб тар-биялаш, уларнинг замон та-лаблари даражасида таълим олиши, спорт билан шуғу-ланиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бу борада спорт мусобақа-ларининг ҳам алоҳида ўрни

бор. Шу маънода, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпар-вар» ташкилоти ҳамда «Қа-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказини кенгаши ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари бўлғуси Ватан ҳимоячилари учун ўзига хос маҳорат ва

чиниклиш мактаби вазифаси-ни ўтамоқда.

Мазкур мусобақаларда ўқувчилар, жанговар ва спорт беллашувларидан ташқари, ҳарбий-хуқуқий билимлар бўйича ҳам куч синашди. Жанговар техника, ҳарбийлар ҳаёти, хиз-матнинг шарт-шароитлари билан яқиндан танишиб, бу борада зарур кўникмалар ҳосил қиладилар.

Мусобақаларда Қорақал-погистон Республикаси, ви-



ЁРУФ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ



Ха, бир ярим миллионга яқин юртдошларимиз жанг майдонларида жасорат кўрсатдилар. Улардан 605 мингга яқини ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқроғи эса фашизм қурбони бўлди. Не-не одамларнинг ёстиғини қуритган ўша уруш йилларида Ўзбекистонимиздан паноҳ топган биродарларимиз, уларнинг фарзандлари, ўзбек халқи кўрсатган бекиёс меҳр-муруват, саховатпешалик ёрдами-ни ҳали-ҳануз чуқур миннатдорлик билан эслайдилар.

— Мустиқиллик шарофати билан 9 майни Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонлай бошладик, — дейди оққўрғонлик кекса фермер, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори Эргаш ота Нисёзов. — Бунинг маъноси шуки, кундан кунга сафлари сийрақлашиб бораётган уруш иштирокчиларини қадрлаш, марҳумларни хотирлаш баробарида халқ учун фидоийлик кўрсатган барча инсон-

ларни ёдга олиш, эъзозлаш, иззат-икром кўрсатиш ҳайрли анъанага айланди. Зеро, одамларга эътибор жуда зарур. Халқимизнинг табиатида мос ва хос бўлган инсонпарварлик фазилати ҳар бир хатти-ҳаракатимизда намоён бўлаётгани кўнгилларимизни кўтармоқда.

Ҳозирги пайтда вилоятимизда 257 мингдан ортиқ пенсионер яшаб турибди. Улардан 1967 киши уруш қатнашчиси, 21641 киши фронт орқасини мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилган кишилардир. Шаҳар ва қишлоқларимизда 1100 дан ортиқ акка-ёлғиз қариялар эл ардоғида яшашмоқда.

«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Президент қарори асосида кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ватанимизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларида бунёд этилаётган Хотира майдонлари, уларнинг зиёратгоҳларга айлантирилганлиги ўтганлар ёди, хотираси олдида ҳамisha бурчли эканлигимизнинг ифодасидир. Қолаверса, бу ўткинчи дунёда ҳамма бир-бирига ганимат эканлигини ҳис этиш, бир-бирига меҳр-муруват, ардоқ ва эъзоз кўрсатишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Инсонга доимо юзи ёруғлик, руҳий тетиклик, маънавий етуқлик ярашган. Бунинг учун, аввало, ўзимизга, ён-атрофимиздагиларга эътиборли, меҳр-оқибатли бўлайлик.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА:

Чирчиқдаги «Турналар» хотира мажмуаси шу кунларда одамлар билан гавжум.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

Эхтиром ҲАММАМИЗ УЧУН НАМУНА

Одам борки, қадами-дан гул унади. Бундай кишилар ўз меҳнатлари билан шон-шухрат топиб, элга таниладилар. Йиллар ўтиб, ҳаёт сабоқларидан хулосалар чиқариб, маҳалла-қўйнинг маслаҳат-гўйига айланадилар. Чунончи, мен ана шундай бағри кенг, донишманд инсонлардан бири — Светлана Михайловна Задорожняяни бу ерга қўчиб келган дастлабки кунларимдан бундан яхши билман. У ҳаётининг йигирма йилдан ортиғини касабаси уюшмаси фаолиятига бағишлаган.

Қўқон тиббиёт билим юрти-ни тугатгач, Светлана 36 йил Янгибод шаҳар шифонасида фельдшер-лаборант бўлиб ишлади, қанчадан-қанча беморларни даволади. Кейинроқ ёшлар ташкилотига етакчилик қилди, сўнгра шаҳар шифонаси, 2001 йилдан бошлаб эса қон бошқармалари бирлашган касабаси қўмиталарининг раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Бу ажойиб инсон кечакундуз ҳамшаҳарлари ташвиши билан яшайди, десам, хато қилмаган бўламан. Унинг аралашуви билан совуқ сув таъминоти, поликлиника ва шифонадаги шароитлар яхшиланди, истеъмолчиларга газни етказиб беришдаги узилтишларга чек қўйилди.

Шу қутлуғ байрам кунлари Светлана Михайловнага бўлган чуқур эҳтирими-ни изҳор этамиз.

Холбуна АБДИЕВА,
меҳнат фахрийси,
Янгибод шаҳри.

Бугун ҳаётимиздаги энг азиз, энг табарруқ ва муқаддас байрамлардан бирини нишонламоқдамиз. Халқимизнинг азалий қадриятлари замирида Президентимизнинг ташаббуслари билан юзага келтирилган Хотира ва қадрлаш кунини қисқа муддатда ҳаммамиз учун кўнгил туридаги байрамга айланди, унинг моҳияти қалбларимизга сингиб кетди.

Шу кунларда бахтимиз, бугунги мустиқил ҳаётимиз учун курашган ва бу жараёнда, хатто, азиз жонларини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этамиз, умрини Ватан равнақи учун бағишлаган кекса авлод вакилларига хурмат-эҳтиром кўрсатмоқдамиз.

Ижтимоий ҳимоя йилида бу байрам алоҳида маъно ва мазмун касб этди. Давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, турли партиялар ва ҳаракатлар «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурини изчил амалга оширмоқда. Бу оммавий жараён кўлами кенгайиб, фахрийларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тизимидаги барча масъуллар ва фаоллар ана шу сафарбарликнинг олдинги сафларида боришмоқда.

Шуни қониқиб билан таъкидлашимиз мумкинки, бу йил, умуман, ижтимоий ҳимояда, шу жумладан, кексаларнинг эҳтиёжларига ҳозиржавоб бўлишда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Маҳаллий ҳокимият идоралари, давлат ташкилотлари, турли корхона ва муассасалар, тадбиркор ва фермерлар, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотларининг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги

Қўлимиз Кўксимизда

кучайди. Улар аҳолининг ночор қатламлари, пенсионерлар ва акка-ёлғиз кексаларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, мурувват кўрсатишни мақсадли, табақалашган ҳолда, изчил олиб бормоқдалар. Бундай ёрдамдан энг аввало уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ногиронлар баҳраманд бўлмоқдалар.

Турли моддий ёрдам, хайрия тадбирлари, бепул даволаниш, дори-дармонлар ва тиббий анжомлар билан таъминлаш мақсадлари учун давлат идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар, ижтимоий таъминот бошқарма ва бўлимлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва турли жамоат ташкилотлари томонидан йилнинг биринчи чорага-даёқ 353 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлимларимиз бу

нинг учун 10 миллион сўм маблағ ажратди.

Хотира ва қадрлаш кунини арафасида вилоятда истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари, ногиронлари ва галаба учун меҳнат қилган фахрийларнинг рўйхати янгидан тузилди.

Бу эса мақсадли ижтимоий ҳимояни тўғри ташкил этиш имконини беради. Бундан ташқари уруш ва меҳнат фахрийларининг уй-жойларини таъмирлаш, тиббий анжомлар берилишини таъминлаш, вилоят марказий ва жойлардаги шифоналарда уларга узлуксиз тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг барча имкониятларидан фойдаланмоқдамиз.

Шунингдек, «Нуроний» жамғармаси вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари жойларда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда, давра суҳбатларида фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида қизиқарли учрашувлар, ҳарбий-спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва мудофаа иш-

лари бошқармалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси билан бу борадаги доимий ҳамкорлик давом этмоқда.

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан жойларда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб боришмоқда. Бу ишларда 28 мингдан ортиқ фахрий фаол иштирок этди. Хотира майдонлари тартибга келтирилди, қабристонлар ободонлаштирилди.

Президентимизнинг уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони мамнуният билан қутиб олинди. Кекса авлод вакиллари Давлатимиз раҳбарига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар. Шу кунларда уруш ва меҳнат фахрийлари, аҳоли ва ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказилмоқда. Хотира хиббонларида ёшларнинг турли оммавий тадбирлари ташкил этилаётган. Уруш қатнашчилари, ногиронлари ва беморлар ҳолидан хабар олинмоқда, ўтганлари хотирлаш билан бирга сафарларимиздаги кексалар, табарруқ нуронийларга алоҳида эҳтиром, иззат-хурмат кўрсатилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятдаги барча уруш қатнашчилари, ногиронлари ва муҳтарам фахрийларимизни Хотира ва қадрлаш кунини байрами билан чин дилдан қўтайман, уларга соғлиқ, узоқ умр ва хотиржамлик тилайман.

Нўмон НАСИМОВ,
«Нуроний» жамғармаси
вилоят кенгаши раиси.



Шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти муайян бир соҳада хизмат қилувчи бутун бир авлодлар тақдирига ижобий таъсир кўрсатиб ўтади. Бугун янгиёшлик маорифчиларнинг аксарияти устозлари Сайдали Фаниев хотирасини ифтихор билан ёдга оладилар. Унинг қишлоқ шароитида кечган бутун меҳнат фаолияти навқирон авлодларни камолга етказиш, шу билан бирга келгусида уларнинг салоҳияти ва иқтидорини мамлакат истиқболига хизмат қилдириш билан боғлиқ бўлди.

1942 йилда икки акаси фронтга кетган, мактабнинг 5-синфини тамомлаган 12 яшар Сайдали ҳам далага қийиб меҳнат қила бошлади. Бироқ, мурғак қалбидидаги илмга, зиёфа бўлган интилиши сўнмади. Машаққатли йиллар тугаб, Сайдали яна мактабдаги ўқилишни давом эттирди. У ҳаётнинг маъносини, халқига хизмат қилиш бурчининг нечоғлиқ улуглигини жуда барвақт англаб етганди. Тошкент ўқувчилар тайёрлаш билим юртида тўрт йил ўқиб, педагогик фаолиятини бошлаб юборди. 1954 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг химия-биология факультетига сирдан ўқишга кирди ва беш йиллик интилишлари тўғрисида олийгоҳни муваффақият билан тамомлади.

1957 йили мактаб ҳовлисида ўз изланишлари билан ойнали иссиқхона барпо этди ва биология фани

бўйича машғулотларни шу ерда олиб борди. Ўқувчилар иштирокида туман «Ёш табиатшўнослар» станцияси билан ўзвий алоқани йўлга қўйди. Мактабда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасини тuzиб, узоқ йиллар унга раҳбарлик қилди. Бу бригада икки марта халқ ҳўжалиги йутқлари кўргазмасининг дипломларига сазовор бўлди. «Халқ маорифи аълоҳиси» унвони билан тақдирланди.

— Сайдали ака меҳрибон тарбиячи, жонқуяр устоз, фаол жамоатчи ҳам эди, — дея ёдга олади тумандаги 4-мактаб тарих фани ўқитувчиси Олтинбек Қурбонов. — Ўқибгиси сидқидилдан меҳр қўйган, ўз фанининг билимдонини бўлган. Айниқса, ёш авлод камоли хусусида кўнучак инсон эди.

Талабчан, дарслари ҳар бир ўқувчи учун тушунарли, мазмунли ва натижаси самарали бўларди. Устознинг ҳеч бир ўғити бе-самар кетмади. Мактабни тамомлаган йилимиз синфимиздаги ўқувчиларнинг деярли ярми олий ўқув юртиларига кириш бахтига муяссар бўлди.

Дарҳақиқат, моҳир педагог

Тошкент Вилояти Давлат педагогика институтини Жамоаси ва талабалари

бугунги осойишта ва фаровон
ҳаёт учун сабот ва матонат
билан курашган уруш қатнашчиларига
ҳамда фахрийларга
9 май – Хотира ва қадрлаш кунини
муносабати билан мустаҳкам соғлиқ,
хотиржамлик, ўсиб-униб келаётган келажак
авлодга доимо ўрнак ва
ибрат бўлиб юришларини тилайди.

Мустиқил юртимизнинг
ижтимоий-иқтисодий,
илм-фан ва
маънавий-маърифий
соҳалардаги ривожини
тобора юксалиб
бораверсин!



Ибрат ЯХШИДАН ҚОЛГАН НОМ

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳмон Абдураззоқовнинг номи ўзи туғилиб ўсган Бекобод шаҳридагина эмас, республикамиз миқёсида яхши таниш. Тўғри, у киши оламшумул кашфиётлар қилмаган. У оддийгина ишчи, пўлат қуювчи эди. Лекин ўз касбининг фидойис сифатида мустиқиллик йилларида қора металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшди. Ана шу меҳнатлари муносиб тақдирланди ва байрат-ташаббусли пўлат қуювчига 2003 йили «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди ва Ватанининг олий нишонини — «Олтин юлдуз» медали топширилди.

Президентимиз қўлидан юксак мукофотни олаётган Абдураҳмон ака ўша онларда орда қолган эллик йиллик умр йўлини сарҳисоб этган бўлса, не ажаб?! Ун етти ёшидаёқ умрини Ўзбекистон металлургия заводи билан боғлади. Ҳарбий хизматдан қайтганидан сўнг ҳам унинг олдида битта мақсад — жонажон корхонасида меҳнат фаолиятини давом эттириш истағи турарди. Корхонада катта ўзгаришлар бошлангач, янги цехлар бунёд этилмоқда эди. Оддий ишчи Абдураҳмоннинг шахсий ҳаётида ҳам яхши ўзгаришлар бошланди. Ёш оила корхона ажратган шимам уйга қўчиб ўтди.

У кишининг кейинги йигирма йиллик ҳаёти бизнинг Собир Раҳимов номли маҳалла билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Ўз фарзандларига эмас, қўни-қўшинлар зурриётларининг тарбияси, ахлоқига у киши бефарқ эмас эди. Абдураҳмон аканинг тавсияси билан кўплаб йигит-қизлар Ўзбекистон металлургия комбинатига кириб ишладилар, иш жойи ва маҳалласида обрў-эътибор қозонди. Маҳалламизда оммавий ҳашарлар, умумхалқ сайллари ўтказишда шу кишининг ҳиссалари ҳамisha катта бўлар эди. Мана шундай инсоний фазилатларга эга-лиги учун у киши халқ депутатлари вилоят ва Бекобод шаҳар кенгашлари депутатлигига сайланди.

Ҳаммага бирдек ғамхўр, ажойиб инсон, маҳалладошимиз Абдураҳмон ака эллик уч йил умр кўрди. Ана шу қисқа ҳаётларини халқ, Ватан хизматида бағишладилар. У кишининг порлоқ хотиралари қалбимизда бир умр сақланиб қолади.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,
Ринат ЯФАРОВ.

Ўзбекистон Қуролли
Кучлари Марказий му-
зейида 9 май – Хотира
ва қадрлаш кунига
бағишланган бадиий
кўргазма очилди.

МУЗЕЙДАГИ КЎРGAЗMA

Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хотира» мавзусидаги мазкур кўргазманинг очилишида уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Кўргазмадан таниқли мўйқалам соҳиблари билан бирга ҳаваскор мусавирларнинг ҳам эллика яқин асари жой олган. Жумладан, А.Батиковнинг «Осойишта Ўзбекистон», А.Юнусовнинг «Баҳорий суҳбатлар», «Ҳаёт абадий» сингари асарларида буюк неъмат — тинчлик-осойишталикни сақлаш, Ватан ҳимояси, мустиқилликни мустаҳкамлаш ва ватанпарварлик билан боғлиқ туйғулар рангини бўёқларда ўз ифодасини топган. Ватан ва халқ эрки, озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром билдирилган.

Кўргазма 4 июнга қадар давом этади.

Ў.А.

Олмалиқ саноат касб-хунар коллежи жамоаси

Хотира ва қадрлаш кунини

муносабати билан

юртимиз фахрийларига, уруш қатнашчиларига

узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Дунёда тинчлик, тотувлик,

ҳамжиҳатлик барқарор бўлсин!


Мустиқил юртимизга ярашган байрамлар,

тўй-тантаналар ва шодиёналар давом этаверсин!

Фахрийларимиз дуоси хайрли

мақсадларимизга қанот бағишласин!

SEN DOIM QALBIMIZDASAN JIGARIM




ЖОНҚУЯР УСТОЗ ЁДИ

Сайдали Фаниев дарс жараёнида ўқувчиларда олий даргоҳларда таҳсил олиш иштиёқини, рағбатини кучайтириб борарди. Ўша кезлари ҳам устозлари, ҳам касбдошлари физика-математика ўқитувчиси Худойберди Бозоров, тарихчилар Маҳмуджон Эргашев, Ҳамза Урозбеков, географ Маҳмад Ёкубов билан педагогик жамоада биргаликда қизгин фаолият юритди. Касбдошлари орасида хурмат, обрў қозониб, ибратли педагоглар сафидан жой олди. Ҳозир ҳамкасблари Сайдали Фаниев билан боғлиқ хотираларни мамнуният билан ёдга олишди, давраларда унинг ўз манфаати йўлида эмас, ёшлар истиқболини ёнб яшаганини эслаб гапиришадилар.

У фаолият юритган Янгиёул туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг деярли 80 фоиздан зиёди издош ва шоғирдларидир.

Бундай оллоҳаноб кишилар хотираси авлодлар қалбида ҳамisha яшаб қолмоқ шубҳасиз.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



— Фаровон кунларнинг қадрига етиб яша, — дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, чинозлик йўлдош Сайфуддинов невараси Нигинага.

Даврон АХМАД олган сурат.

МАВСУМ
ЛИБОСЛАРИ
НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Дом стили" дизайнерлар бирлашмаси билан ҳамкорликда "Баҳор-Ёз - 2007" мавсумий либослар намоиши бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиздаги истеъдодли ёш дизайнерларнинг ижодий изланишлари маҳсуллари билан намуналар намоиши этилди. Юртимизда бундай тадбирларнинг ўтказилиши модельерларнинг либослар дизайни соҳасида яратган янгилликлари билан кенг оммани таништириш ҳамда ноёб қобилият эгаларини юзга чиқариш учун қўлай имконият яратди.

Модалар намоишида Шерзод Отабоев, Гули Эльмира Иброҳимова, Марат Нейматов, Денис Томилин, Марҳамат Умарова, Анна Ким каби ёш ижодкорлар томонидан баҳор ва ёз мавсумига мослаб яратилган ранг-баранг либос тўпламлари ийгиликлар эътиборига ҳавола қилинди.

Бугунги кунда аксариyat дизайнерларнинг ўз ижодида миллий матолардан, миллий бичиш усуллари ва технологиялардан фойдаланиши анъанага айланиб бораётгани қувонардир. Улар яратган либослар ҳамюртларимиз ва хорижликларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Ирода УМАРОВА,
Ўза мухбири.

Тағбиркорликка кенг ўй

ҲАР ЙИЛИ БИР ЯНГИЛИК

Ангрен шаҳридаги «Тез ва соз - Ангрен устоз» масъулияти чекланган жамиятда ҳар йили бирор янгиллик яратиб, ҳаётга татбиқ этишга одатланилган. Дастлабки янгиллик автомобилларнинг таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўлса, 2005 йилдан «Тошкент - Ангрен» йўналишида юк

ташиш хизмати йўлга қўйилди. Кейинги йилдан шаҳарлараро юк ташишга киришилди. Тўғри, жамиятнинг оёққа туриб, ривожланиб кетиши осон кечгани йўқ. Хизмат кўламини кенгайтириш, мижозларни қўлайитишга бутун жамоа масъулияти билан ёндошди.



— Анъанага кўра, бу йил ҳам яна бир лойиҳани амалга оширмоқчимиз, — дейди жамият раҳбари Улуғбек Алибоев. — Шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда шахсий энгил автомобилларида йўловчи ташиш билан шуғулланаётган фуқароларнинг 50 нафарини жамиятга бирлаштирмоқчимиз. Уларнинг ишини лицензия асосида йўлга қўйишни белгиланганмиз.

Айни кунларда жамият Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «USUZU» автобусларидан 20 тасини лизинг йўли билан харид қилиш ҳақида. Бу режа «Тошвилтранс» худудий уюшмаси билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Шунингдек, корхонада замонавий технологиялар ҳамда асбоб-ускуналарни модернизация қилиш ҳам диққат эътиборда. Чунки ишчилар меҳнатининг самараси ва

иккинчи оилавий поликлиника шифокори Н. Каримовага ҳамда югуриш ва стол теннис бўйича болалар шифохонасидан С. Аноркулова, З. Шорустамовага насиб этди.

Мўмин ИБODOV.

МАҚСАДЛАРИ -
САЛОМАТЛИК

■ Бекобод шаҳар тиббиёт ходимлари касабаси «Соғлом турмуш тарзи - соғлом аёл» шиори остида спартакиада ташкил этди.

Унда спортнинг оммавий турлари бўйича тиббиёт ходимлари ўзаро беллашди. Фахрли биринчи ўрин волейбол ва аркан тортиш бўйича акушерлик мажмуаси ходимларига, шашка бўйича

иқкинчи оилавий поликлиника шифокори Н. Каримовага ҳамда югуриш ва стол теннис бўйича болалар шифохонасидан С. Аноркулова, З. Шорустамовага насиб этди.

Мўмин ИБODOV.

Таълим ислоҳоти

БОЛАЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛИШАДИ

Кейинги йилларда вилотимизда бир-биридан кўркам ўқув даргоҳлари барпо этилиб, таълим сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

Айниқса, янги-янги касб-ҳунар коллежларининг очилиши билимга чанқок ёшлар учун айни мудоа бўлди. Тошкент туманидаги Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини худудида барпо этилаётган коллежга яқинлашар эканмиз, ҳавонинг анча иссиқ бўлишига қарамай бел боғлаб меҳнат қилаётган қурувчиларга кўзимиз тушди.

— Қурилиш-монтаж ишларини йил бошида бошлаганимиз, — деди «Тошвил-мелиосувқурилиш» очик акциядорлик жамияти бош муҳандиси Раҳматилла Худойбергенов. — Вилотат ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ҳавадал асосида иш олиб бораёلمиз.

Оҳангарон, Бўка туманлари ва Чирчиқ, Олмалик каби шаҳарларда улкан иншоотларни қурган жамоа навбатдаги марраани эгаллаш Ватанимиз мустакиллигининг 16 йиллик шодлигига мўлжаллаяпти. Шу

сабабли 540 ўринга мўлжалланган билим масканини бунёд этишга астойдил киришган қурувчилар вақтни ганимат билиб меҳнат қилишмоқда.

— Ишимиз оғир, аммо бу бинадо ёшлар кунт билан ўқиб, касб-корли бўлишини эсласанг, қилаётган меҳнатинг нақадар хайрли ва савобли эканини англаб етасан, киши — дейди қурувчи Эрали Арслон. — Фарзандларим мактабни тугаллаб деб қолишди. Шунинг учун ҳис этиб, ўқув даргоҳини пишик ва сифатли битиришга ўз ҳиссамни қўйишга аҳд қилганман.

— Коллежнинг асосий ўқув корпусидиқ пойдевор ишлари тугатилди, — деди участка бошлиғи Ҳамидулла Сафаров. — Спорт зали ва ишлаб чиқариш таълими устанаси биносини май ойида тўлиқ тугатишни режалаштиряёلمиз. Шундан сўнг пардозлаш ишларини бошлаймиз.



— Авваллари атроф қишлоқларда ҳозирги каби шароит йўқ эди, — дейди туман ҳокимлигининг қурилиш, коммуникация ва ободонлаштириш масалалари бўйича бош мутахассиси Қудратилла Каримов. — Сўнгги беш-олти йил ичида қўлгина қурилиш ишлари бажарилиди. Йилгари болалар асосан шаҳарга бориб ўқишарди. Эндиликда улар билим олиб, касб-корли бўлиши учун бу шарт эмас. Шу ернинг ўзидек ҳунарли бўлишлари мумкин.

Отабек ЭЛТОЕВ,
«Тошкент ҲАҚИҚАТИ»
мухбири.

Ижтимоий Ҳимоя Ўли

■ Ҳар тонг ишга ошиқиб, автобус кутар эканман, атрофидигиларга бир кур назар ташлаб қўяман. Кичкина стол устига эринмай битта-биттадан сақич, қурут, сигарет қутиларини териб қўяётган ёш, давангирдек йигитни беихтиёр кузатаман...

Ана, 10-14 ёшлар чамасидаги болалар пистафурўшга яқинлашиб, сигаретга пул узатишди. У бўлса, сигарет доналаридан бир нечасини болаларга бамайилхотир тутқазди. ... Бу ҳолатни кўриб сесканмай бўлармикин? Болаларнинг бундай зарарли одатларидан беҳабар ота-оналарчи? Балки, улар қаровисиз қолгандир? Балки, ёш вужуд учун чекиш-ичиш нечоғлик зарарли эканлигини тушуниб етишмас? Ҳар ҳолда эътибордан бенасиб болалар бўлса керак.

Лекин ота-онаси бўлмаса, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй дегандек... Бекатдаги бу манзарани кузатиб туриб, Келес шаҳрида эшитиб қолганим бир воқеани эслардим. Ғалаба кўчасида яшовчи Гулмира Гайфуллина ота-онасиз қолган жиянлари Фариза, Зарина ва Динарнинг тақдирига бефарқ қарай олмади. Уларнинг оила аталмиш муқаддас кўрғонда, ота-она меҳрини беришга тайёр туғишганлар бағрида бўлишини истарди. Болаларни ўзининг икки фарзанди қаторига олмоқчи бўлди. Гулмира бу ҳақда турмуш ўртоғи билан маслахатлашди. У кишининг маъқуллаши аҳдини қатъийлаштирди. Ниҳоят, у ота-оналари вафотидан сўнг етим бўлиб қолган икки нафар боллага ўзининг ҳомийлиги ва васийлиги табианлиши ҳақидаги ариза билан туман халқ таълими бўлимига мурожаат этди. Лекин аризаси туман халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи нозирининг иш столида қатталлаб, оилаб қилиб кетишини ҳаёлига келтирмаган эди. Гулмира етим қолган жиянлари ўз тенгдошлари олдида ўқисиб қолишмасин деди, уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида йиққан-терганига бир қатор кийим-



бош, мактаб анжомлари, ўқув қуролларини олиб берди.

Аммо ўзининг икки ёш боласи, уч етим жиян бир эркакнинг қўлига қараб, қийналиб қолишди. Баъзилар болаларни меҳрибонлик уйига топширишни маслаҳат беришди. Тўғри, болалар у ерда ҳеч нарсасига зорикмай яшайдилар, аммо оила муҳити бутунлай бошқа. Гулмиранинг саъй-ҳаракатларини фақат олқишлаш, уни ҳар томонлама қўллаб, ёрдам бериш қур бир диванатли инсоннинг бурчи, вазифаси эмасми?

Афсуски, васийликни расмийлаштириш учун сўралган барча ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-да, олти ой давомида ушбу масала ҳал этилмади. Ҳўш, бунга сабаб нима? Аризагининг шикоят хатида шундай сатрлар бор: «... Ҳар сафар сешанба кўни келинг, жума кўни келинг деб қайтариб юборишарди. Шунинг учун ҳалигача болаларга давлат томонидан бериладиган нафақа пулини олишининг илоҳий йўқи. Сансалорлик оқибатида ҳужжатларни расмийлаштириш қийин бўляпти».

Инсон тақдирига бефарқлик, ишониб топширилган вазифага совуққонлик, лоқайдлик жамият тарраққийетиға тўсқинлик қилувчи иллатлардан бири эмасми?

Холбуки, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг «Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик ва васийлик тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга кўра ҳомийлик ва васийлик органи бундай ҳолатларда масалани бир ой ичида ҳал қилиб бериши, ҳужжатларни расмийлаштириши зарур.

Демак, бир ой ичида бажарилиши керак бўлган иш 6 ойга қўзилган. Маълумки, ҳар қандай заифлик, ночорлик болани ташқи таъсирга беришдан қўйиб қўяди. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун эса, инсон манфаатларини қўзловчи давлатимиз қонунларига қатъий амал қилиш лозим бўлади.

«Тўтинган ота-онага ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч барбара миқдориди ойлик нафақа тўланади, — дейилади вилотат халқ таълими бошқармасидан вилотат адлия бошқармасига Гулмира Гайфуллинанинг шикоят аризаси бўйича келган жавоб хатида. — Оила тарбиясига олинган болаларни қийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида... Тошкент тумани-

ИШ УНУМИ
ШАРОИТГА
БОҒЛИҚ

«Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти иштиёридаги 2-автокорхонанинг икки қаватли маъмурий ҳамда ишлаб чиқариш бинолари мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди.

— Унинг биринчи қаватида 50 уринли ошоҳна, тиббий хизмат кўрсатиш ва гигиена мажмуалари фаолият юритади, — дейди автокорхона бошлиғи Абдумутал Топилов. — Биноларни иссиқлик билан таъминлаш учун эса алоҳида қозонхона қуриляпти. Мунаввара ИСОКУЛОВА.



кўрсатилаётган хизматнинг сифати кўп жиҳатдан ана шу замонавий технологияларга боғлиқ. Олинаётган даромад ҳисобига 4 та гидравлик автокўтаргич, 2 та электротельфер мосламаси, автомобилларнинг ёриткичларини созлайдиган ускуна ҳамда страбаскоп асбоблари харид қилинди.

— Кўпчилик қатори мен ҳам болаликдан автомобиль шайдосиман, — дейди жамият чилангари Шоҳруҳ Ҳосилбеков. — Ишдан чиққан ахтиёр қўйишга таъмирлаб, қайта ишга солиш жону дилим.

Ижтимоий Ҳимоя Ўли носоабати билан жамиятдагиларнинг хайрия ишларга қўшаётган ҳиссаси янада ортиди. 18-умумтаълим мактаби ҳамда 34-меҳрибонлик уйи оталиққа олиниб, таъмирлаш, ўқув қуроллари билан таъминлашда амалий ёрдам берилляпти. Боғи-Сурх маҳалласи кўчалари асфальтланди. Кўктерак ҳамда Янгиобод маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган, ночор оилаларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар тарқатилди.

Хушида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҲАҚИҚАТИ»
мухбири.

СУРАТЛАРДА:

автомобиллар Шоҳруҳ Ҳосилбеков; автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шахобча.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Хўрметли ишбилармон ва тадбиркор жамноблар!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдолариға таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган қўйилмоқда:

1. Тошкент вилоти Заңгиота тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 27 июндаги 1-270/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Заңгиота тумани, Иттифок қ.ф.й., А. Эшонхўжаев кўчаси, 2-уйда сақланаётган, "ГАЗ-66" русумли, давлат рақами 30 М 6054 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.

2. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 22 декабрдаги 5578-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Қамол-Уматдош" МЧЖ оморидида сақланаётган, "УАЗ-2206" русумли, давлат рақами 10 Г 9450 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 500 000 сўм.

3. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 23 январдаги 37-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Қамол-Уматдош" МЧЖ оморидида сақланаётган, "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 12 Е 8364 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.

4. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 22 январдаги 37-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Қамол-Уматдош" МЧЖ оморидида сақланаётган, "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 19 М 5098 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.

5. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 27 мартдаги 53-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Қамол-Уматдош" МЧЖ оморидида сақланаётган, "ГАЗ-53" русумли, давлат рақами 10 АР 948 бўлган, 1980 йилда ишлаб чиқарил-

ган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.

6. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 30 октябрдаги 394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Келес шаҳри, К. Ғофуров кўчаси, 10-уйдаги ЖИБ Тошкент тумани судининг ҳовлисида сақланаётган, "ИЖ-2715" русумли, давлат рақами 11 К 0237 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 196 360 сўм.

7. Ангрен шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан Навоий шаҳри 1-нотариал идорасининг 2006 йил 11 октябрдаги реестр рақами 1-1451 бўлган ижро устхатига асосан хатланган, Ангрен шаҳар суд ижрочилири бўлими биносининг ҳовлисида сақланаётган, "Нексия" русумли, давлат рақами 11 АА 912 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 3 549 000 сўм.

8. Ангрен шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент вилоти ҳўжалик судининг 2006 йил 18 апрелдаги 11-06-19/687-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар, Янгиобод шаҳарчаси, Ғ. Ғулом кўчасида жойлашган, икки қаватли маъмурий бино ва 4 хонали гараж.

Бошланғич баҳоси — 8 875 000 сўм.

9. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ишлари бўйича судининг 2006 йил 1 ноябрдаги 1-5990/01-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Озодлик кўчаси, 7-уйда жойлашган, участканинг умумий майдони 0,55 га, қурилган жой участкаси майдони 501 кв.м. бўлган "Тинчлик" кинотеатр биносиди.

Бошланғич баҳоси — 24 583 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 12, 19, 26 июнь ва 3, 10 июль кўнлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

II. Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Қамол-Уматдош" МЧЖ оморидида сақланаётган, қўйидаги автотранспорт воситалари Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан нархи арзонлаштирилган ҳолда, тақрорий аукцион савдолариға қўйилмоқда:

1. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 5 февралдаги 31-

сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-469" русумли, давлат рақами Н 2205 ТШ бўлган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 240 000 сўм.

2. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 26 декабрдаги 5579-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-330214" русумли, давлат рақами Х 794 UZM бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 11 200 000 сўм.

3. Тошкент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 22 декабрдаги 5576-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ГАЗ-3302" русумли, давлат рақами А 035 DA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 9 600 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 29 май ва 5, 12, 19, 26 июнь кўнлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Уразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишиға бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Уразбоев кўчаси, 1-а уй. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

ВНИМАНИЮ
СТРОИТЕЛЬНЫХ
ОРГАНИЗАЦИЙ И
ПРЕДПРИЯТИЙ!Ташкентское городское
таможенное управление
объявляет конкурсный
торг (тендер) по объекту:

Капитальный ремонт административного здания.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом по адресу: г.Ташкент, ул. Дружба Народов, 35. Комната № 518. Телефон: 120-76-76, внутр. 36-01.


Последний срок представления
оферта для вскрытия организатору торгов состоится через 20 дней
после опубликования объявления.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Олий табақа

Олий табақа жамоалари навбатдаги 8-тур учрашувларини ўтказдилар. «Металлург» Тошкентда «Локомотив»га қарши

баҳс юритди. Бу икки жамоа кутилмаганда ҳужумкор ва сермахсул ўйин намойиш этиб, мухлисларни хурсанд қилди.



Биринчи табақа

«Кимёгар» 9-турда «Хоразм»ни қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасига 10 та тўп киритди ва мавсумдаги йирик ғалабани қўлга киритди.

«КИМЁГАР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Учрашув 10:1 ҳисобида якунланди. «ОКМК» эса Андижоннинг «ЎзДонЖУ» жамоасини қабул қилиб, 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Кимёгар» 3-ўринда, «ОКМК» 13-ўринда турибди.

Навбатдаги учрашувлар 17 май куни бўлиб ўтади. «Кимёгар» Муборакда «Машъал-2»га қарши майдонга тушади. «ОКМК» Жиззахда «Сўғдиёна»га қарши баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

"СПОРТ ОЛАМИ – 2007" ЧОРЛАЙДИ

Тошкентда "Спорт олами – 2007" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.

Пойтахтдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида очилган "Спорт олами – 2007" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида профессионал спорт билан шуғулланиш ва фаол дам олиш учун қўлланадиган товарлар ҳамда анжомлар намойиш этилмоқда. У "IEG Uzbekistan" кўргазма компанияси, Маданият ва спорт ишлари вазири, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Покистон, Бангладеш ва Голландиядан спорт махсулотлари ишлаб чиқарувчи ва бу соҳада хизматлар кўрсатувчи 20 га яқин дунёга машҳур компания катнашмоқда. Унинг очилишига турли мамлакатлар ишбилармон доиралари ва давлат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

"Спорт олами – 2007" кўргазмасида стадионлар, ёпиқ мажмуалар ва футбол майдонлари учун қўлланмалар ишлаб чиқариш, спорт иншоотларини тўлиқ жиҳозлаш билан шуғулланувчи компаниялар махсулотлари намойиш этилмоқда. Кўргазмага ташриф буюрганлар замонавий спорт кийимлари, тренажёрлар ва ўқув муассасаларини жиҳозлаш учун мўлжалланган бошқа спорт ускуналарининг ҳар хил турлари билан танишишди. Бундан ташқари, стендардда махсус адабиётлар, машғулотлар ва бошловчи спортчиларни тарбиялашнинг ўзига хос услублари дастурлари жойлаштирилган.

Ў.А.

Маънавият

БИР-БИРИМИЗДАН МИННАТДОРМИЗМИ?

Сухбатлашиб ўтирганлар бир одам ҳақида гапириб, мендан сўраб қолишди:

— Сизга ҳеч учрамаганим, у киши?

— Мен елка қисдим. — Учрашиб қолар, лекин айтиб қўйлик, учрашган заҳоти гапни ҳасратдан бошлайди, унга ҳеч ким ёқмайди...


Тасодифни қаранг-ки, орадан кўп ўтмай, бир йилда суҳбатдошларим айтган ўша одам билан учрашиб қолдим. Исми Жиянбой экан.

Бирпасда танишиб олдик. Мен эса «ҳасратини қачон бошлар экан», деб турибман, йўқ, узок куттирмади...

— Мана сиз китоб кўрган одам экансиз. Бу дунёга одам нима учун келади? Аввало ўзидан яхшилиқ қолдириш учун, сўнг эса яшаб ўтган умридан бир маъни топиш учун, мен шундай тушунаман. Бунинг учун нима қилиш керак? Инсон ҳаётдан миннатдор яшаб ўтиши керак!

Ўзи савол бериб, ўзи жавоб бераётган бу одам мени тамоман қизиқтириб қўйган бўлса-да, ҳеч ҳасратдан гап очмаганига баттар ҳайрон бўла бошладим.

— Биласизми, миннатдорчилик ҳам инсон ахлоқ-одобининг яхши бир қўриғи. Бу ҳислат фақат тарбия кўрган одамларда бўлади, уни тарбиясизлар ичидан қидирмак. Биз одамлардан фақат яхшилиқ кўргангагина миннатдорчилик билдирганимизда, у ҳам «сизлар ҳам соғ-саломат бўлинглар, яна қўришиш насиб этсин» дейиш шубҳасиз эди. Бизни соғу саломат манзилимизга етказиб келгани учун ҳам миннатдорчилик билдиришимиз керак, ахир. Ёки яна бир мисол. Бир йилги сабаб, узок бир



билдирсак, меҳр-оқибатимиз ийиб кетади. Айниқса, бир-биримизни кичкинагина ютуғимиз билан табриклаб қўйиш ҳам миннатдорчилик белгисидир. Ҳозир эса ахвол бутунлай бошқача, одамлар бир-бирига миннатдорчилик билдириши баъзан ор деб билса, баъзан ўзининг камситилиши деб билади. Ўзимдан қиёс, неварам билан шаҳардан такси билан қайтдик, унинг қўлига пул бериб, ҳайдовчига «рахмат» деб миннатдорчилик билдириб қўй, дедим. Йўқ, пулни «манг» деб узатди-да, индамай тушиб кетди. Нега айтганимни қилмадинг, деб қойисам, «Текинга олиб келгани йўқ-ку, ота, хизмат ҳақини олди, бўлди-да», деб жавоб берди. Агар шу жойда ҳайдовчига миннатдорчилик билдирганимизда, у ҳам «сизлар ҳам соғ-саломат бўлинглар, яна қўришиш насиб этсин» дейиш шубҳасиз эди. Бизни соғу саломат манзилимизга етказиб келгани учун ҳам миннатдорчилик билдиришимиз керак, ахир. Ёки яна бир мисол. Бир йилги сабаб, узок бир

қариндошингиз ҳам ташриф буюрди. Сиз хурсанд бўлдингиз. Энди шу ҳолатни болаларингиз олдида «Йилги зўр бўлди, келмайдиган фалончи амакиларинг ҳам келди» ёки «Кандай яхши-я, шундай кунда фалончи амакиларинг ҳам келди, ҳаммамиз ҳам соғиниб қолган эканмиз» десангиз бўлади. Лекин болаларингиз тарбиясига иккинчи гапингиз яхшироқ таъсир қилади. Уларда узок қариндошингизга нисбатан меҳр уйғонади, бу эса миннатдорчиликдир!

Мен давраларда шу ҳақда кўришиб айтсам кўпчиликка ёқмайди. Э, ака ҳасратингиздан чанг чиқади, сизга нима дейди. Мана сиз ҳам мени эшитиб, бу одамга нима етмайди экан деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Ҳамма нарса етарли, фақат одамлар бир-биридан миннатдор яшасин, ахлоқу одобимиздан, тилимиздан шу чиройли лутф тушмасин, дейман...

Унинг гаплари ақлли гаплар эди, суҳбатдошларим айтганидек бу ҳасрат эмасди.

Бекажон

БАҲОР ТАОМИ

Керакли масаллиқлар: 200 гр. гўшт, 2 литр сув, 5 дона картошка, 2 дона сабзи, шовул ўти, петрушка, шивит, қўқ пиёз каби қўқатлардан бир боғдан, лавр барги, 5 та қайнатилган тухум, 1 дона пиёз, томат, 100 гр. салат ёғи.

Гўштни ювиб, тўғранг. Сўнг қозонда қизиб турган ёққа пиёз, гўшт, томат, юмалоқ қилиб тўғралган сабзи, картошкани солиб, қовуриг. Яхшилаб қизартириб, устидан совуқ сув қуйинг.



Қайнаб чиккунга қадар, қўқатларни ювиб, майда қилиб тўғранг. Қайнаган шўрвага қўқатлар, лавр барги ва таъбага кўра туз солиб, милдиратиб қайнатиб қўйинг. Шўрва қаттиқ қайнаб кетса, ранги хира-

Ҳаётимизга янгиликлар ёпирилиб кирмоқда. Натижада, онг, тафаккур ва тушунча замонасига қараб шитоб билан ўзгармоқда. Лекин бу ўзгаришлар минг йиллик ахлоқу одобимизга сингиб кетган фазилатларни суриб қўйиши керак эмас. Турмушимизда фаровонлик кўпаяверсин, лекин феълимиздаги ўзбекона ҳулқ йўқолмасин. Қўлини кўксига қўйиб, бир-бирига берган саломига ҳам миннатдорчилик билдирган халқнинг фарзандларимиз, бир-бирининг кўнглини кўтариб юрган элнинг авлодларимиз.

Жиянбойнинг тушунчасида ҳар бир хатти-харақатимизда миннатдорчилик билдириб яшасак, болаларимизни оқил, етук ва одобли шахс қилиб вояга етказган бўламиз, деган маъно бора. Маънавият инсон дегандан фақат китоб ўқийдиган инсонни эмас, яхши ҳулқли, маданиятли, муомалали ва ширин сўзли ҳамда самимий фазилатли инсонларни ҳам кўз олдимизга келтирамиз.

... Кеча эрталаб ишга отланиб, кўчини кесиб ўтар эканман, олдимдан орқасига папка осган бир бола ўтди. У салом берди. Мен ҳам саломига алик олиб, «баракалла, худо хоҳласа яхши йилгит бўласан» деб миннатдорчилик билдириб қўйдим. Бола аликдан кейинги гапларим сабабли менга қизиксиниб қаради-да, негадир хурсанд бўлиб кетди. Назаримда бўйи бир қарч ўсди.

Суҳбатдошларим ёмонлаган киши эса мен учун яхши одам бўлиб қолди.

ҲАМИД НОРҚУЛОВ.

Аъзам АЗИМИЙ



Ливия бироз тинчланган, ундан қандай қилиб менинг Тошкент-Красноводск поездига чиқганим, қайси вагонга қайси купедалигим, Тошкентдан Ленинградга учган рейсимни қандай қилиб билганини сўрадим.

Дунёда инсон ақли етмайдиган кўп нарсалар борки, уларни билиш айрим одамларгагина насиб этади. Бу воқеалиқ бошқаларга тушунарли бўлганларидан эса оми одамлар уларни сирга, жолдур ёки энг ёмон, ақлдан озганликка чиқариб қўйишди. Сенинг ҳам мени шундай деб ўйлашингдан қўрқаман. Бундай ҳолатлар менга гойибдан аён бўлиб, тушимда қўриқнади ёки бир илоҳий овоз орқали эшитилади. Мен эса, оддий математик ҳисоб қилиб, бўлажақ ҳодисанинг вақтини аниқлайман ва кутаман. Масалан, ўн саник-га тўлган кунимда келишининг худудан нола қилиб сўраганман. Кеча тушимда сенинг самолётга чиқаётганинги кўрдим. Бугун эрталаб эса «У етиб келади» деган сўз кўлмоғига уч марта эшитилди. Сўнгра ҳисоблаб чиқиб, Иригага қўйиш керак бўлишидан, ўз илтимосини айтдим.

Нега Иригадан самолётнинг рейс рақами ва қўниш вақтини қандайдир мавҳум «44» рақамига қўйишни сўрадинг? Бу рақамда қандай сир бор?

— Ҳеч қандай сир йўқ, — деди Ливия қўшса, — 44, бу бугунги сана, яъни 29.09.1959. Бу сонларни Пифагор услуби билан бир-бирига қўшсак, — деб Ливия қозғога 2+9+9+1+9+5+9 рақамларини ёзди. — Буларнинг йиғиндиси 44 бўлади. Масалан, эртага 45, индиганга эса 46 бўлади. Бу ўзарувчи сон.

— У ҳолда нега 60 ни 12 га бўлдинг?

— Менинг тутилган кунимга тегишли воқеалиқ учун. Чўки, йил 12 ойдан

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ибора. Беш рақами эса менинг рақамим, талисманам!

Кейин Ливия бутун Коинот рақамлар асосида тузилганини ва ундаги борлиқ нарсалару ҳаракатлар сонларда ифодаганини тушунишга кетди. Унинг фикрича, ҳаёт-момоти тушуниб, коинот билан ҳамжиҳат бўлиб яшашимиз учун Тангри бизга фақатгина 1,2,3,4 ва 5 рақамларини берган, холос. Инсоният эса, ақл-идрокининг тез сўрыатлар билан ривожини натижада, бу рақамлардан ўзи учун 1+5=6, 2+5=7, 3+5=8, 4+5=9 рақамларини яратди ва йўқлиқни «0» билан белгиледи. Қадимий Шарқ ва Юнон мутафаккирлари, айниқса, Пифагор, бу рақамларда илоҳий сир бор деб, уларга сажда қилишган. Масалан «4» рақами тан сийхатлиги, ҳатто, ўлимни хабарловчи бўлиб, «5» рақами тўйғу ривожини билдирса, «6» рақами инсоннинг Коинот ҳамда ўзга олам билан муносабати даражасини кўрсатади.

— Ҳўш, сенинг рақамий рақаминг «5» эканлигини қандай билдинг?

— Бу жуда осон. Мен 1941 йилнинг 29 сентябристида туғилганман. Бу шундай ёзилади: 1941.29.09. Яъни еттига сондан иборат. Бу сонларнинг йиғиндиси 1+9+4+1+2+9+9=35дир. 35 ни йиғиндига иштирок этган рақамлар сонига, яъни 7 га бўлсак, 5 чиқади.

Мен табиятан жуда синчков одам бўлганим учун, бу шунчаки рақамлар ўйини деб ўйладим ва Ливиядан сўрадим:

— Агар натижа бутун сон бўлмай, қолдиқли қисқаси?

— Тангри томонидан белгиланган одамлардагина бутун сон, қолганларда эса қолдиқли сон чиқади, — деди Ливия ва қўшиб қўйди. — Сенинг ҳам рақамий рақаминг — «5».

Ҳақиқатдан ҳам тутилган санам 1937.29.04. Яъни 1 + 9 + 3 + 7 + 2 +

9+4=35;7=5. Бундай ўйлаб қарасам, «5» рақами менга кўпдан йўлдош бўлгандек: Ливиянинг суратини чизган санам 1956.28.04. Яъни 1+9+5+6+2+8+4=35;7=5. 1955 йили институтга кирдим, сонлар йиғиндиси 20, уни 4 га бўлсак, яна 5 чиқади. Ҳатто, ўқийётган гуруҳимнинг рақами ҳам сирли — «5-55-ЭР».

Ливия муғомбирона жилмайиб сўради:

— Мени мавҳум гапларим сени толиқтирмайдими?

— Йўқ. — Физика, афсуски, математика фанидан қарийб минг йилча орқада қолганга ўхшади. Шунинг учун физиклар юқоридан айтган фикрларни, дунёда бўлиб турган баъзи табиий ҳолатларни материалларга осонгина тушуниришди.

— Менимча, бу икки фан ёнма-ён ривожланмоқда...

— Йўқ! — сўзимни кескин бўлди у. — Математиклар мингларча йиллар бурун мусбат сонлар ёнма-ён рақамлар билан борлигини исботлаганлар. Физиклар эса бунинг амалда исботлашга оқилоқ қилишмоқда. Бизнинг дунёдан бўлак унинг манфий акси бўлган параллел дунё борлигини кўрсата олмаяптилар. Вақолаки, математик кониятга асосан бундай дунё бор. Шунинг учун геолог бўлишдан мақсад, биллурнинг нобъ турини топиб, ундан бошқа дунёга назар ташлашдир.

Ливия мовий кўзларини шифта тикиб, сон қўнироқларини ўйнаганча, сонлар орқали ўтмиши таҳлил этиш, келажакни баҳорат қилиш мумкинлиги ҳақида эҳтирос билан гапирар кетди. Ливиянинг қатъий фикрича, ҳоҳ инсонда, ҳоҳ жамиятда бўлсин, ҳар тўқиз йилда бир ўзгариш юз бериши қонуний экан.

Ливиянинг гаплари ҳар қанча қизиқарили бўлмасин, кишини иккилантирувчи ва мунозароб эди.

(Давоми бор).

Танловга марҳамат!

Халқаро Оролни қўқариш GEF агентлигининг «Сув ресурслари ва атроф-муҳитни бошқарув» лойиҳаси асосида 2007 йил сўғориш даврида (30 сентябргача) «Сув тежамкорлиги» бўйича танлов ўтказилади.

Танловнинг мақсади ва вазифалари: — сув ҳўжалиги ва сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг сувни тежамкорлик билан ишлатишларига эришиш; — қишлоқ ҳўжалиқ экинлари ҳосилдорлигини оширишда сувдан унумли фойдаланиш; — сувдан самарали фойдаланишнинг янги усулларини татбиқ этиш.

Сув истеъмолчилари танловда уч гурўхга бўлиниб қатнашишлари мумкин:

— фермерлар; — сувдан фойдаланувчилар уюшмалари;

Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй.

Телефонлар: 55-82-20, 55-82-31.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Ёълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Ёълон ва билди-

рувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ёълон берувчилар масўлдир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ